Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1938 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 137 (8127). ● 21 июль, 1983 йил. ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

19 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ҳамда КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков ВСИП Марказий Комитетининг секретари М. Суюреш ва ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР Ташқи ишлар министри П. Варкони билан учрашдилар.

Самимий ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбат чоғида икки қардош партиялар марказий комитетлари қўйган актуал вазифаларга татбиқан КПСС ва ВСИП партиялараро алоқа шаклларини такомиллаштириш хусусида фикрлашиб олинди. Идеология соҳасида ҳамкорлик қилишнинг муҳимлиги таъкидланди. Идеология ва маданият соҳаларида партиялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантиришнинг баъзи конкрет тадбирлари белгилаб олинди.

Халқаро проблемаларни кўриб чиқаётганда дунёдаги ҳозирги вазиятга баҳо беришда Совет Иттифоқи билан Венгриянинг бир хилда ёндашуви яна бир карра таъкидланди, улар ҳарбий қарама-қаршилик даражасини пасайтириш, қуролланиш пойгасини, айниқса, ядровий қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш ҳамда қуролсизланишга сабот билан эришиш, шу мақсадларда амалий музокаралар ўтказишга азму-қарор берганликлари изҳор этилди. Совет Иттифоқи, Венгрия Халқ Республикаси ва Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатларнинг тутган позицияси шу йил 28 июнда берилган қўшма баёнотда ўз ифодасини топди.

Томонларнинг бирлик ва бир хилдаги ҳавфсизлик принципига қатъий риоя этиш шу масалаларга негиз қилиб олинадиган бўлса, томонлар улар хусусида ўзаро матлуб аҳдлашувларга эришиш мумкин, деган фикрни билдирдилар.

Европа ҳавфсизлигига, Яқин Шарқдаги аҳволга ҳамда ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа баъзи актуал проблемаларга тааллуқли масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

(ТАСС).

Ю. В. АНДРОПОВ ВА Я. КАДАР ЎРТОҚЛАР СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Ю. В. Андропов 19 июль куни Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясига бошчилик қилаётган ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар билан учрашди.

Ўртоқларча суҳбат вақтида КПССнинг XXVI съезди ва ВСИПнинг XII съезди ўртага қўйган энг муҳим вазифалар қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида, экономикани интенсивлаштириш, социалистик демократияни кенгайтириш, халқ фаровонлигини ошириш борасидаги амалий чоралар тўғрисида ахборот берилди.

Ю. В. Андропов билан Я. Кадар ҳар икки қардош партия ва мамлакат ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида Совет Иттифоқи билан Венгриянинг самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд эканлиги таъкидлаб ўтилди. Учрашув вақтида айтиб ўтилганидек, совет ва венгер халқлари туб манфаатларининг бирлиги, КПСС билан ВСИП алоқаларининг доим мустаҳкамланиб бораётганлиги, уларнинг ўзаро ишончи, замонамизнинг энг муҳим масалалари юзасидан қарашларининг муштараклиги бунинг гаровидир. Партиявий иш тажрибасини айрибошлашни янада кенгайтириш, ҳамма босқичларда партиялар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш тўғрисида маслаҳатлашиб олинди.

Социализмнинг жуда катта маънавий потенциалини, унинг капитализмга нисбатан тарихий афзалликларини тўлароқ очиб бериш, қардош партияларнинг ғоявий-тарбиявий ишини янги тузумга душман бўлган буржуа идеологияси билан қатъий кураш талабларига яқинлаштириш зарур эканлиги уқтириб ўтилди.

Ҳар икки томон сиёсий, иқтисодий, идеологик соҳада ва бошқа соҳаларда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни Варшава Шартномаси Ташкилоти ва ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши доирасида биргаликда олиб борилаётган иш билан маҳкам боғлаб, муттасил мустаҳкамлашга интилаётганлигини айтди. Фан ва техниканинг жаҳон миқёсидаги юксак муваффақиятларини ҳисобга олган ҳолда социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштира бориш муҳимлиги таъкидланди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши миқёсларида олий даражада иқтисодий кенгаш ўтказиб туриш бунга ёрдам беради.

Ташқи сиёсий проблемаларни муҳокама қилиш вақтида АҚШ ва НАТО милитаристик доираларининг Европада ва бутун жаҳонда ҳарбий мувозанатни бузиш йўлидаги уринишлари натижасида халқаро вазият кескинлашганлигидан жиддий ташвиш пайдо бўлганлиги айтилди. Шу муносабат билан Варшава Шартномаси Ташкилоти Сиёсий маслаҳат комитетининг Прага кенгашида ва қардош мамлакатлар раҳбар партия ва давлат арбобларининг шу йил 28 июнда Москвада ўтказилган учрашувида илгари сурилган ҳамда уруш хавфини йўқотишга, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган ҳаракат программасини амалга ошириш учун кўпроқ куч-ғайрат сарфлашга аҳд қилинганлиги уқтириб ўтилди.

Халқаро муносабатларни соғломлаштириш манфаатлари империализмнинг халққа душман бўлган агрессив сиёсатига қарши, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва тинчликни сақлаш учун курашда коммунистик ва ишчи партияларнинг интернационал бирдамлигини, кенг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш талаб этилаётганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Ю. В. Андропов ва Я. Кадар ўртоқларнинг суҳбати муҳокама этилган барча масалалар юзасидан самимий, дўстлик, ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

СОВЕТ—ВЕНГРИЯ УЧРАШУВИ

19 июль куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитети секретари Н. И. Рижков ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. В. Тализин Кремлда ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Ф. Хаваши ҳамда ВХР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Е. Маряи билан учрашдилар.

Суҳбат чоғида Совет — Венгрия муносабатлари масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Бунда икки томонлама иқтисодий алоқалар ҳолатига алоҳида эътибор берилди.

Шу соҳада СССР билан ВХР ўртасида ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар оборати планли равишда ортиб бормоқда, 1990 йилгача ихтисослашни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни кооперациялаш узоқ муддатли программаси амалга оширилмоқда.

1986—1990 йиллардаги даврда ва ундан ҳам олисроқ келажакда иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришнинг принципиал масалалари кўриб чиқилди. Томонлар коммунистик ва социалистик қурилиш ҳозирги босқичи вазифаларини ҳал этиш учун иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш аҳамиятини таъкидладилар. Икки мамлакатнинг келгуси беш йилликка мўлжалланган халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш чоғида ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштиришга, экономика, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш янги илғор шаклларини жорий этишга тегишли эътибор бериш зарурлигини иккала томон таъкидлади. Икки томонлама интеграцион тадбирларни ишлаб чиқишда иқтисодий ва илмий техник ҳамкорлик қилиш юзасидан Совет — Венгрия ҳукуматлараро комиссияси ижобий роль ўйнаётганлиги қайд этилди.

Томонлар социалистик мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши доирасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқаро социалистик меҳнат тақсимоти имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишга бундан буён ҳам кўмак бераверишга иштиёқида эканликларини изҳор қилдилар.

Суҳбат қардошларча дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

Совет раҳбарлари 20 июль куни Венгрия Халқ Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси билан учрашдилар. Учрашувда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ВХРдаги элчиси В. Н. Базовский;

Венгрия томонидан — ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Ф. Хаваши, ВСИП Марказий Комитетининг секретари М. Сюреш, ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Й. Марьяи, ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР Ташқи ишлар министри П. Варкони, ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХРнинг СССРдаги элчиси Ш. Райнаи қатнашдилар.

Ю. В. Андропов, Я. Кадар ўртоқлар ва музокараларнинг бошқа қатнашчилари музокараларга якун ясаб коммунистик ва социалистик қурилишнинг, икки томонлама ҳамкорлик ва халқаро аҳволнинг кўпгина масалалари ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч руҳида муҳокама қилинганлигига юксак баҳо бердилар.

Экономикани интенсив ривожланиш йўлига кўчириш, социалистик жамиятнинг сиёсий системасини такомиллаштириш, ғоявий-тарбиявий иш ва ташқи сиёсий фаолият соҳасида КПСС ҳамда ВСИП олдида турган вазифаларни ҳал этиш тажрибасини айрибошлаш ҳар икки томон учун фойдали бўлди.

Совет-Венгрия муносабатлари ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларига мос равишда муваффақиятли ва жадал ривожланиб бораётганлиги якдиллик билан таъкидлаб ўтилди. СССР билан ВХРнинг партия ва давлат арбоблари жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни бундан буён ҳам изчиллик билан чуқурлаштиришга, бу ишда мавжуд бўлган имкониятлардан актив ва тўла фойдаланишга қатъий қарор берганликларини айтдилар.

Музокаралар давомида партия ва давлат органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ўртасидаги алоқаларни ва тажриба айирбошлашни янада ривожлантириш, идеология, иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликни такомиллаштириш ҳамда кенгайтириш соҳасида ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни кучайтириш юзасидан яна бамаслаҳат келишиб олинганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Бу визит қардош социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадам, уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга қўшилган ҳисса бўлади, деб ишонч билдирилди. Ана шу бирлик ҳозирги вазиятда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.


Ҳар икки томон иттифоқдош социалистик давлатлар илгари сурган ва халқаро кескинликни юмшатишга, уруш хавфини йўқотишга қаратилган ҳаракат программасини амалга ошириш учун бундан буён ҳам кўпроқ куч-ғайрат сарфлаш зарур эканлигини якдиллик билан изҳор қилади. Бу программа империалистларнинг сиёсий ва ҳарбий муҳолифлик йўлига қарши реал программадир.

Музокараларнинг қатнашчилари ўз мустақиллиги ва суверенитети учун курашаётган халқлар билан бирдам эканликларини, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг жипслигини мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам изчил ҳаракат қилишга тайёр эканликларини уқтириб ўтдилар.

Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган учрашув вақтида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарашларнинг тўла бирлиги яна намоён бўлди.

Совет-Венгрия Қўшма ахбороти келишиб олинди. Бу ахборот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).



КОММУНИСТИК ЭЪТИҚОД РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 20 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми республика комсомол ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқидаги қоидалар ва хулосалар асосида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилди. Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

Пленумда комсомол ташкилотларининг йигит ва қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳали шу кунининг талабларига жавоб бермаётганлиги айтиб ўтилди. Бу соҳадаги иш форма ва методларини такомиллаштириш, комсомол сиёсий ўқуви самарадорлигини ошириш, корхоналарда ва истиқомат жойларида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Республика комсомол ташкилотлари ёшларни Ленин партиясига, социалистик ватанимизга чексиз садоқат, халқ хўжалик планлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши, интизом ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш учун юксак масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялашда барча мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишлари зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди. Комсомолларнинг пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни янада юксалтириш учун курашда актив иштирок этиши масалаларига алоҳида эътибор жалб қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ҲАЗРАТИ ИШЧИ



ҲАЁТ йўли... У қаердан бошланиб, бизни қаерга етаклайди. Буни олдиндан билгиси келмайдиган киши бўлмаса керак. Лекин барибир бефойда. Эҳтимол бу ҳам яхшилик учундир. Эртага, кейинги ойда ,келгуси йили ҳаётингда қандай ўзгаришлар рўй беришини аниқ билганингда ҳаётнинг қизиғи ҳам қолмаса керак. Иккинчи томондан орзу деб аталмиш ҳислатнинг кераги бўлмай қоларди. Лекин ҳар ким ўз ҳаёт йўлини ўзи яратади, ўзи «кашф» этади ва келажак ҳам ҳар кимнинг ўзига боғлиқлиги аниқ.

Тошкент «Миконд» заводининг илғор ишчиси Қобил ака Сайдазов билан суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, бу фикрлар хаёлимга беихтиёр ўрнашиб олганлигини, ҳеч тиним бермаётганлигини ҳис қилиб турардим...

Туннинг узунлиги ухламаган кишига билинади деганлари ҳақ гап экан. Қобил ҳали у ёнбошига, ҳали бу ёнбошига ағдарилиб бир амаллаб тонг оттирди. Нонушта ҳам қилмасдан Собир акасининг уйига жўнади. Акаси заводда ишлар, уйлиижойли бўлиб, анчадан бери бўлак турарди. Қобил акаси билан бироз суҳбатлашиб ўтиргач, сиз ишлаётган заводга бормоқчиман, деб қолди. Собиржон укасининг кутилмаганда шундай қарорга келганлигини эшитиб аввал нима дейишини билмади. Кейин эса укаси ёнига қираётганидан хурсанд бўлиб, ўша куниёқ уни заводга олиб борди.

Бу воқеага ҳам мана ўн икки йил бўлибди. 8-цех ишчилари ёш ишчини ҳайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Сайдазов ўша куни смена сўнггигача ҳамма билан бирма-бир танишиб чиқди. Ишчилар ўзларича «одамлар ичига тез кириша олар экан, ишга ҳам шу тарзда чаққон кириша ёхши бўлар эди» деб қўйишди. Цех ветеранларидан бири Ш. Дружинина эса унга шахсан ўзи касб ўргатишга ваъда берди.

Янги иш, янги муҳит, янги коллектив. Қобил ака бор билим ва маҳоратини ишга солиб, ўз касбини қунт билан ўрганишга киришди. Лекин шогирдлик даврида кимгадир суяниб, нимагадир ишониб юрасан. Сайдазовда ҳам худди шундай бўлди. Уч ҳафтадаёқ бироз мустақил ишлай олиш даражасига эришди. Лекин кейинчалик ўзига ишониб қўйдими, ёки устозларга орқа қилдими маҳоратини оширишга аввалгичалик тиришаётганлиги сезилмай қолди. Лекин бу ўткинчи давр эди. Яна бир ҳафтадан сўнг асосий ишчилардан бири Ш. Баҳодиров меҳнат отпускасига чиқадиган бўлиб қолди. Ўрнига эса ишчи йўқ. Шунда Ш. Дружинина Қ. Сайдазовни унинг ўрнига ўтказишга қарор қилди.

— Ўша кунлар сира эсимдан чиқмайди,— деб эслайди Қ. Сайдазов,— кечагина шогирд бўлиб юрган кишидан бирданига ҳамма қатори унумли, сифатли ишлашни талаб қилишса, айни пайтда ўзига бутун бригаданинг ютуғи ҳам қисман боғлиқ бўлиб қолса ғалати бўларкан. Қандай қилиб эплаб кетганлигимни ҳозир тасаввур ҳам қилолмайман. Ҳар ҳолда коллектив олдидаги масъулият шунга мажбур қилган бўлса керак. Нима бўлишидан қатъий назар ўша тасодифнинг рўй берганлигидан ҳамон мамнунман.

Ҳақиқатан ҳам илғор ишчи бугунги кунда ўз ишидан, босиб ўтган ҳаёт йўлидан ҳақли равишда қониқиш ҳосил қилади. Чунки ўзининг ҳалол меҳнати билан коллективда ҳурмат-эътибор қозонди, қўпчиликка танилди. Коллектив ҳам шунга яраша унга ишонч билдирди. 1977 йилда Қ. Сайдазов корхонада социалистик мусобақанинг ғолиби, 1978 йилда эса ўнинчи беш йиллик зарбдори деб топилди. 1981 йилда эса завод машъали «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. 1982 йил якунларига кўра эса Қобил ака «Радио ва электр саноати» область мукофоти лауреати деган фахрли номга сазовор бўлди.

Ҳозирги пайтда Қобил ака Сайдазов бригадага бошчилик қиляпти. Кечаги шогирд — бугун устоз. Эндиликда у беш кишининг мураббийси. Нафақат шахсий кўрсаткичлари олдида, балки бригадасининг ютуқлари, шогирдларининг меҳнати олдида ҳам жавобгар. Лекин меҳнатда чиниққан ишчи қийинчиликдан чўчимайди. Қобил ака Сайдазов эса айнан ана шундай тоифадаги кишилардан. Шунинг учун ҳам ҳамма ишга улгуради, вақт топади. У бош бўлган бригада смена топшириқларини 120—130 процентдан бажариб келяпти. Бригада сардорининг ўзи эса шу кунларда Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, меҳнатда барчага намуна бўляпти.

Область мукофотининг лауреати Қобил ака Сайдазов билан бўлган суҳбатимиз охирлаб, цехда яна иш бошланди. Шу тобда негадир ҳаёлимга яна оддий ишчининг ҳаёт йўли қандай бўлганлиги келди. Шундагина у жамиятимизга фойда келтирувчи ҳақиқий инсон бўлиб етишиши учун ўз ҳаёт йўлини ўзи қурганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ана шулар ҳақида ўйлаб борарканман қаҳрамонимнинг таниш қиёфаси кўз олдимда қайтадан гавдаланди, у босиб ўтган йўлга ҳаммани чорлагим келди:

Саратон!
Қиздирар қуёш бепарво,
Ҳовлини, гулларни, сувни,
елкани.
Тутундай ўрлатиб
тупроқни кўкка,
Бульдозер сурмоқда улкан
тепани.
Ишлар жойида деб
ишчилар хурсанд,
Кийимлари терга пишиб
кетса ҳам.
Ёзнинг иссиғию, қиш
совуғида,
Ишлашар, хоришни
билмай, чинакам...
Кафтимда тутаман,
ихлосим баланд.
Эъзозлаб ўпаман ишчи
қўлини.
Истагим ишчидай қорайиб,
терлаб
Ҳар ким ўзи қурсин ҳаёт
йўлини!..

Г. ИЎЛДОШЕВА.

«ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА»нинг Оққўрғон район ремонт устахоналарида қишлоқ хўжалик машина ва механизмлари ремонти қизғин олиб борилмоқда.

Суратларда: (юқорида чапдан) ремонтчи-слесарь Зокир Абдураҳмонов ва назоратчи механик Абдуҳолиқ Ахтамов ремонтдан чиққан аппаратлар сифатини кўздан кечиришмоқда; (пастда, ўнгдан) Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг вакили Акром Боботоев тайёр пахта териш машинасини слесарь Абдуҳошим Арсловдан қабул қилиб олмоқда.

В. Сироткин фотолари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми атом энергетикасида ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилувчи СССР Умумиттифоқ давлат комитети тузди.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

• ҲАММА СОҲА ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН • МЎЛ-КЎЛ ОЗУҚА УЧУН • ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁДАН • БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА

7 (255)

ЧОРВАЧИЛИКНИ ҲАМ ЯХШИЛАЙМИЗ

СОҲИБКОР ва боғбонларимиз ҳар куни шаҳарликлар дастурхонига ўрта ҳисобда 100—110 тонна сабзавот ва мева етказиб беришяпти. Етиштирилаётган маҳсулотларни сифатли ва харидоргир бўлиши устида назоратчиларимиз алоҳида қайғуришаяпти.

Маҳсулот сифати, энг аввало, экинлар парваришига боғлиқдир. Парвариш яхши бўлса, сифатли маҳсулот олинаверади. Шуни ҳисобга олиб, биз Лутфулла Гулматов ва Адҳам Каримов бошлиқ сабзавотчилик бригадаларида экинлар парваришининг боришини алоҳида текшириб чиқдик. Текширув давомида Адҳам Каримов бошлиқ бригада экинлари сувсизликдан қовжираб ётганлиги маълум бўлди. Лутфулла Гулматов бошлиқ бригада далаларини эса бегона ўт босиб кетган эди.

Текширув якунини бош группада атрофлича муҳокама қилдик. 15-бригада бошлиғи Адҳам Каримовга қаттиқ ҳайфсан берилди ва қисқа муддатларда барча майдонларни суғориш, экин ораларига сифатли ишлов бериш топширилди. Бу иш устидан назорат қилиб бориш бош группа аъзоси Холида Солиҳовага юклатилди. 4-бригада бошлиғи Лутфулла Гулматов эса ўз вазифасига эътиборсизлик билан ёндошганлиги учун қаттиқ огоҳлантирилди.

Кўрилган бу тадбирлар тезда яхши натижа берди. Ҳар иккала бригададаги камчиликлар тугатилди. Ҳозир улар хўжаликда пешқадамлар сафида боришяпти, энг кўп маҳсулот топширишяпти.

Бугунги кунда колхоз халқ контроли группаси тезарагига 98 нафар назоратчи уюшган. Улар бош группа, 6 та цех халқ контроли группаси ва учта постга бирлашган ҳолда хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи участкаларида фаолият кўрсатишяпти.

Колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг бизга кўрсатаётган амалий ёрдами натижасида назоратчилар ишини яхши ташкил этиш, ўтказилаётган рейд ва текширувлар таъсирчанлигини оширишда муайян ютуқлар қўлга киритиляпти.

Ҳозир пишиб етилган мева ва картошка ҳосилини йиғиштириб олиш, чорва озуқасини тайёрлаш устидан назоратни кучайтириш мақсадида жойларда муваққат группалар тузганмиз. Улар етиштирилган маҳсулотларнинг талон-тарож бўлмаслиги учун ошкора кураш олиб боряпти.

Бу масала бош группада кўриб чиқилиб, боғ қоровули ўз вазифасидан четлаштирилди.

Озуқа жамғариш бўйича тузилган муваққат группа аъзолари ҳам ибратли ишларни амалга оширишяпти. Улар далалардан ўрилган ҳашакни фермага келтириш, сифатли қилиб ғарамлаш ишларида бош-қош бўлишяпти. Натижада шу кунгача 2000 тоннадан зиёд дағал хашак жамғарилди. Бу кўрсаткич ўтган йил давомида йиғилганидан ҳам анча кўпдир.

Лекин бу билан ишларимиз яхши деб бўлмайди. Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, ечилиши керак бўлган масалалар йўқ эмас. Чорвадорларимиз сут соғиб олишда анча орқада келишяпти. Агар ўтган йилнинг шу куни билан қиёслайдиган бўлсак, кунига 200 килограммдан кам сут соғиб олиняпти. Бу ферма ходимлари иши устидан назоратнинг бўшашиб кетганини кўрсатади. Ферма назоратчиларининг фаолияти талаб даражасида эмас. Улар сигирларни соғиш, озиқлантириш пайтларида рейд ва текширув ўтказишмаяпти. Ўтказган рейдлар ҳам номигагина бўлиб қоляпти.

Биз ҳозир ферма назоратчиларининг ишини яхшилаш, подани зотли сигирлар ҳисобига тўлдириш, сигирлар парваришини рацион асосида ташкил этишга асосий эътиборни қаратяпмиз. Шунингдек, фермани кенгайтириш бўйича ҳам катта ишлар қилиняпти. Яқин давр ичида фермадаги нуқсонлар тўла барҳам топади.

Бу йил олдимизда катта вазифалар турибди. Давлатга 12000 тонна сабзавот, 2000 тонна картошка, 2100 тонна мева, 1000 тонна сут, 100 тонна гўшт, 60 минг дона тухум сотишга аҳд қилганмиз. Бу улкан мажбуриятларни муваффақиятли амалга ошириш учун назоратчиларимиз бор имкониятларини ишга солаверадилар.

А. МУРОДОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози халқ контроли группасининг раиси.

НАЗОРАТЧИЛАР ТАКЛИФИ БИЛАН

Бирлашма халқ контроли группаси аъзоси моделчи Муборак Абдураҳмонова таклифи билан ўсмирлар учун тикилаётган костюмларнинг ён ва кўкрак чўнтакларини конструкцияси ўзгартирилди. Шу таклифнинг ўзи ўтган йили 29 минг сўмлик соф даромад келтирди.

Назоратчилар орасида рационализаторлик таклифлари билан чиқаётган инженерлар, моделчилар оз эмас. Инженерлардан Л. Ф. Коротеева, М. Толипова, бригада бошлиғи Т. И. Хохина ва бошқалар материал ҳамда хом ашёларни тежаб-тергаб сарфлаш бўйича бир қатор қимматли таклифларни ўртага ташламоқдалар. Рационализатор ва ихтирочилар ҳиссаси билан ўтган йили мўлжалдагидан 8,3 минг квадрат метр кўп костюмбоп материаллар тежаб қолинди. Тежалган материаллардан бу йил 2 мингтадан ортиқ турли размердаги костюмлар тикиб чиқарилди.

Электр энергияси ва бошқа хил ресурсларни иқтисод қилиш бўйича ҳам корхонада қизғин мусобақа кетяпти. Қисқа вақт ичида 150 минг киловатт-соат электр энергияси, 22 минг гекакалорий иссиқлик энергияси тежаб қолинди.

Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмаси халқ контроли группасига 176 нафар илғор ишчилар, инженер-техник ходимлар бирлашган. Улар 6 секторга бўлинган ҳолда корхонанинг барча участкаларида ишлар қандай бораётганлигини мунтазам назорат қилиб турибдилар.

Рейд ва текширувлар давомида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам берувчи бир қатор таклифлар ўртага ташланмоқда. Бу таклифларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришга жорий этилиб, катта самара олиняпти. Ҳозирги кунда ҳам бирлашма назоратчилари иш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган янги-янги таклифлар билан чиқмоқдалар.

А. ТИЛОВОВ.

ДАЛАДАН — ХИРМОНГА

Бригадамиз коллективи ажойиб муваффақиятни қўлга киритди. Районда биринчи бўлиб давлатга картошка сотиш планини бажардик. Дастлабки ҳар гектар ердан пландаги 105 ўрнига 207 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Эришилган ютуққа биз пухта замин қўйган эдик. Баҳорда сифатли текисланган ерга картошка уруғи тушланди. Ўша кезлари тузилган муваққат халқ контроли группаси уруғни уяларга тўла тушиши устидан алоҳида назорат қилиб борди.

Бригада назоратчилари эрта баҳорданоқ парварриш сифати устида алоҳида кўз қулоқ бўлиб турдилар. Экин вақтида чопилиб, вақтида суғорилди. Механизаторлар культивацияни маромида ўтказиб эгатлардан намни қочирмадилар. Сув ва ўғитга тўйган экин барқ уриб ривожланди. Дастлабки 11,5 гектарлик майдондан 150 ўрнига 239 тонна маҳсулот топширилди. Бу билан план 159 процент бажарилди.

Бу йил 33 гектар ерда деҳқончилик қилган эдик. Қолган пайкаллардаги ҳосил ҳам баракали бўлди. Етилган кўртошкани пешма-пеш ковлаб хирмонга уявердик. Шу кунгача топширган ҳосилимиз 500 тоннага етиб қолди. Ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда назоратчилар бизга катта ёрдам бердилар. Улар йиғим-терим кунлари далада навбатчиликни ташкил этдилар. Натижада бир грамм ҳам ҳосил ўғирланмади. Етиштирилган картошканинг барчаси эл дастурхонига етказиб берилди.

А. УМАРОВ,
Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи.

ФОТОАЙБНОМА

Қуйидаги суратларга бир назар ташланг. Юқорида Янгийўл районидаги В. И. Ленин номли колхознинг Навоий кўчасида сувсиз қаққайиб турган водопровод крани тасвирланган. Кўчадаги ҳамма кранлар шу аҳволда. Уларнинг ишдан чиққанига бир неча йил бўлиб қолди. Лекин кранларни ремонт қилиб сув келтириш ҳозирча ҳеч кимнинг эсига келмаяпти.

Мабодо қувурларга сув келиб қолса ҳам бу кранларга чиқмайди. Чунки қувурлар ер остида занглаб, ёрилиб кетган. Ундан сизилиб чиқаётган сув люк ҳавзасига тўпланади. Одамлар шу йиғилган сувдан олиб истеъмол қилишга мажбур бўлмоқдалар. (Пастдаги сурат). Бундай аҳвол қачонгача давом этаркин? Колхоз раҳбарларидан, район водопровод тармоғи мутахассисларидан одамлар жавоб кутишаяпти.

Х. Мирзакаримов фотолари.





ШУ КУННИНГ ТАЛАБИГА КЎРА

МУВАҚҚАТ ГРУППАЛАР

ОЗУҚА мўл — сут ва гўшт мўл! Паркентлик чорвадорлар буни яхши билишади. Шу боисдан улар ем-хашак жамғаришга зўр беришяпти.

Ҳар йилгидек, ем-хашак жамғариш ишларига район халқ контроли комитети раҳбарлик қилаяпти. Тузилган штаб катта ташкилотчилик ишларини олиб бораяпти.

Шу кунларда 51 та цех халқ контроли группаси ва 10 та группа бирлашган 1071 назоратчи ем-хашак жамғариш бўйича жойларда актив фаолият кўрсатяпти. Бундан ташқари хўжаликларда 12 та муваққат халқ контроли группаси ҳам тузилди. Улар бевосита ем-хашак жамғариш билан машғул бўлмоқдалар. Муваққат группалар ҳиссаси билан район чорвадорлари областимизда биринчи бўлиб ем-хашак тайёрлаш йиллик планларини муддатидан анча илгари бажаришди. Улар пландаги 22 минг 200 тонна ўрнига 27 минг 200 тонна дағал хашак тайёрлашди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 10 минг тонна кўп демакдир.

Албатта, бу муваффақиятлар ўз-ўзидан бўлмади. Дастлабки кунларда кўпгина хўжаликларда иш кўнгилдагидек ташкил этилмади. Айримларида тайёрланган хашак тарозида тортилмасдан тўғридан-тўғри ғарамланаверди. Натижада тахминий маълумотлар бериш ҳоллари содир бўлди. Жумладан, «Ленинобод» совхозида ана шундай нотўғри ҳисоб-китоб ишлари олиб борилди.

Район халқ контроли комитетининг раиси Йўлчи Убайдуллаев бошчилигидаги текширув бригадаси бу хўжаликда ем-хашак тайёрлаш, ғарамлаш жараёнларини чуқур ўрганишди. Тўғридан-тўғри ғарамланаётган озуқа қайта ўлчанганида 20 тонна кам чиқди. Текширув натижаси район халқ контроли комитети йиғилишида муҳокама этилиб, колхоз раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди ва улар зиммасига тезда ҳисоб-китоб ишларини аниқ йўлга қўйиш учун масъул киши ажратиш, тарозини ишга тушириш вазифалари юклатилди. Ҳозир хўжаликда иш яхши олиб бориляпти.

Районда ишни бошидан пухта ташкил этиб, яхши натижаларни қўлга киритаётган хўжаликлар оз эмас. Жумладан, «Гулбоғ» совхози ана шундай пешқадамлардан. Совхоз ишчилари бир йилда икки йиллик миқдорида ем-хашак жамғариш ташаббуси билан чиқишган эди. Уларнинг бу ташаббуси район хўжаликлари бўйлаб кенг қулоч ёйди.

Хўжалик чорвадорлари шу кунгача пландаги 1000 тонна ўрнига 1750 тонна хашак, 720 тонна ўрнига 1500 тонна сенаж ва 250 тонна сомон жамғаришди.

Биз «Коммуна» совхозида борганимизда ҳам ем-хашак тайёрлаш борасида катта ишлар бажарилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Чорвачилик бизда асосий тармоқ ҳисобланади,— дейди совхоз директори Ҳаким Мирзакаримов.— Бу йил чорва учун ҳар қачонгидан ҳам мўл озуқа базасини яратдик. 960 тонна ўрнига 1346 тонна сенаж, 3225 тонна ўрнига 3680 тонна хашак тайёрладик. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир. Хашак жамғариш эса давом этяпти. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари топшириш бўйича ҳам ярим йиллик планларни анча ортиғи билан бажардик.

Калинин номли совхоз сенаж ва беда пичани тайёрлаш бўйича планни бажариб қўйган. Бироқ сомон тайёрлаш анча орқада. Бугунги кунгача пландаги 600 тонна ўрнига 300 тонна сомон тайёрлашган. Ҳозир хўжалик далаларида 5 та комбайн, 5 та юк ташувчи машина ва 45 нафар ишчи ишлаяпти. Комбайнлар кунига 5—6 тонна сомонни пресслаяпти. Лекин ҳар бир комбайн кунига бундан ҳам унумли ишлаши мумкин...

«Паркент», «Ленинобод», «Прогресс» совхозлари далаларида ўрилмаган ғаллалар, йиғиштириб олинмаган сомонлар ҳали кўп. Ана шу далалардаги ғалла ва сомонни тез кунлар ичида йиғиштириб олишга мавжуд техника ва ишчи кучларини тўла сафарбар этиш лозим. Бунда халқ контроли группалари аъзолари актив иштирок этишлари, ўрим-йиғимни жиддий назорат қилиб боришлари керак. Район халқ контроли комитети ҳам ем-хашак тайёрлашда қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига етказиб олиш учун барча чораларни кўриши лозим.

С. МАТЕҚУБОВ,
Паркент райони.

КОМСОМОЛ ПРОЖЕКТОРЛАРИ — МАККАЖЎХОРИЗОРДА

ШОШИЛИНГ, ВАҚТ КУТМАЙДИ

Бўка райони ёш маккажўхорикорлари бу йил ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар гектар бошига 100 центнердан ошириб маккажўхори дони ва 600 центнердан силосбоп кўкпоя йиғиштириб олишга қарор қилдилар. Ҳозир райондаги мавжуд 28 та маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаларининг барчасида ҳосил учун кураш қизғин давом этяпти. Кўпгина майдонлардаги маккажўхори 3—4 мартадан суғорилди.

Айни пайтда ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта тайёргарлик кўриляпти. 59 та маккажўхори ҳосилини йиғиштириб олувчи машинанинг 32 таси мавсумга тахт қилиб қўйилди. Бу соҳада Карл Маркс номли, «Ленинизм» колхозлари ёш маккажўхорикорлари бажараётган ишлар диққатга сазовордир. Бу хўжаликлардаги коллективларнинг ҳаммаси бригада пудрати усулида ишламоқда.

Ҳозир район бўйича ҳам, кўпгина хўжаликлар бўйича ҳам ҳосил йиғим-теримини ташкил этиш ва ўтказиш штаблари иш бошлаган. Бу штаблар асосий эътиборни ўрим техникасини тайёрлашга, маккажўхори дони қуритиладиган майдонлар, силос бостириладиган ҳандақларни ҳозирлашга қаратмоқдалар. Улар хўжаликлар халқ контроли группалари, комсомол прожектори штаблари билан ҳамкорликда тез-тез рейдлар уюштирмоқдалар. Бу рейдларда ютуқлар билан бирга ишдаги баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Кейинги рейд давомида «Кремль» совхозидаги аҳвол таҳлил қилинди. Совхоз ёшлари 1000 гектар майдонга маккажўхори экишган. Ҳосил ривожи яхши, лекин «Херсон-200», «Херсон-7» маркадаги машиналар ремонти суст боряпти. 40 та тележкадан ҳозиргача атиги 19 таси ремонт қилиб бўлинди. 2-бўлим учун 18 та тележка ажратилган. Лекин ҳисоб-китобга қараганда булар камлик қилади. Бўлимдаги маккажўхори ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш учун кам деганда 35 та тележка керак бўлади.

Тракторлар ремонти ҳам ўлда-жўлда қолиб келяпти. 13 та трактор ўтган йили капитал ремонт қилиш учун район «Сельхозтехника» бўлими устахонасига топширилган эди. Лекин улар ремонти ҳали тугагани йўқ. Совхознинг ўзидаги мавжуд техникани ўрим-йиғим кампаниясига ҳозирлаш ҳам қониқарсиз боряпти. Совхознинг 1-бўлимида механик бўлиб ишлаётган йигит шошиб қоляпти. У етти синф маълумотига эга, техника бўйича махсус билим олмаган. Шу боисдан ҳам ремонт ишларини қандай ўтказишга ҳайрон бўлиб турибди. Техника воситалари очиқ ҳавода ётибди. 15 та тележкадан фақат 2 таси эндигина ремонтдан чиқарилган.

Шундай аҳволни «Кўкорол» совхозида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ҳам ўрим техникаси мавсумга суст тайёрланмоқда.

Район комсомол ташкилоти ёшлар етиштираётган маккажўхори ҳосилини несобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан шошилинч тадбирларни кўриши керак. Хўжаликлардаги комсомол прожектори штаблари аъзолари кунда, кунора маккажўхоризорлар ва устахоналар бўйлаб рейдлар ўтказиб боришлари, камчиликлардан раҳбарларни ҳабардор қилиб туришлари, кўз илғаган нуқсонларни тезда тугатишнинг таъсирчан тадбирларини кўришлари керак.

Р. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент область комсомол комитети инструктори.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЭШИКСИЗ КАФЕ

БУНДАН етти йил муқаддам Оҳангарон районидаги К. Е. Ворошилов номли совхоз марказида 2-кўчма механизациялашган колонна бинокорлари «Марҳамат» деб номланган кафе қурилишини тантанали суръатда бошлашган эди. Бундан совхоз ишчилари жуда ҳам мамнун бўлишди. Вақти-бемаҳал кафеда дўстлар билан суҳбат қуриш, чақчақлашиш мумкин эди. Лекин уларнинг бу қувончи узоққа бормади. Қурувчилар иш бошлашди-ю, кейин дом-дараксиз ғойиб бўлишди, сўнг яна кўринишди. Шу тариқа етти йил деганда кафе аранг қуриб битказилди, комиссия уни қабул қилиб олди.

Актларга жимжимадор қилиб имзо чекишга чекишди-ю, лекин кафени очишга ҳеч ким шошилмасди. Чунки унинг ҳали кам-кўстлари кўп эди. Бу нуқсонларни тезда тугатишга келганда совхоз раҳбарлари ҳафсаласизлик қилдилар.

Бир йилдирки, бино нураб ётибди. Унинг деразалари синган, эшиклари кўчириб олинган. Деворлари тирналган, доғ-дуғ.

Совхоз раҳбарларидан кафе қачон очилади, деб сўрасак, елкаларини қисишади. Айрим ҳолларда айбни қишлоқ матлубот жамиятига тўнкашади. Тўғри, кафе битгач умумий овқатланиш корхоналари ходимлари хизматни бошлашади. Лекин ҳозир қандай хоналарга қандай жиҳоз қўйиш мумкин ахир.

Ҳурматли редакция, қуруқ савлат бўлиб турган кафени тезроқ ишга туширишда ёрдамлашсангиз совхоз ишчилари жуда ҳам мамнун бўлишар эди.

А. МАҲКАМОВ,
ишчи.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

БЕНЗИННИ БЕҲУДА САРФЛАБ

Республика маиший хизмат кўрсатиш министрлигига қарашли 2-автобазада текширув ўтказилган кун мавжуд 150 та автомашинанинг ярмида спидометрлар ишламади. Демак, улар қанча йўл босиб, қанча бензин сарфланганлиги аниқланмади. Ҳозир хўжалик далаларида 5 та комбайн, 5 та юк ташувчи машина ва 45 нафар ишчи ишлаяпти. Комбайнлар кунига 5—6 тонна сомонни пресслаяпти. Лекин ҳар бир комбайн кунига бундан ҳам унумли ишлаши мумкин...

«Паркент», «Ленинобод», «Прогресс» совхозлари далаларида ўрилмаган ғаллалар, йиғиштириб олинмаган сомонлар ҳали кўп. Ана шу далалардаги ғалла ва сомонни тез кунлар ичида йиғиштириб олишга мавжуд техника ва ишчи кучларини тўла сафарбар этиш лозим. Бунда халқ контроли группалари аъзолари актив иштирок этишлари, ўрим-йиғимни жиддий назорат қилиб боришлари керак. Район халқ контроли комитети ҳам ем-хашак тайёрлашда қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига етказиб олиш учун барча чораларни кўриши лозим.

С. МАТЕҚУБОВ,
Паркент райони.

Тошкент область юк ташиш автомобиль трестининг Ғалаба районидаги 81-автокорхонасида ёнилғи билан бирга электр энергияси ҳам ортиқча сарфланаётганлиги кишини ажаблантиради. Бу ерда бир квартал давомида белгиланган 41 минг киловатт соат ўрнига 60 минг киловатт соат электр энергияси сарф бўлибди. Бундай аҳвол ҳозир ҳам давом этиб келяпти.

Область халқ контроли комитети мажлисида ёнилғини ортиқча сарф қилаётган корхона раҳбарлари жиддий муҳокама қилинди. Республика маиший хизмат кўрсатиш министрлигига қарашли 2-автобаза бош инженери С. Комилов, 1-автобаза бош инженери С. Соатовга виговор эълон қилинди ҳамда бир ойлик маошлари ҳажмида пул начёти солинди. 1-автобаза директори Б. Р. Багиянц, автобаза эксплуатация бошлиғи Р. А. Голинский ҳам қаттиқ жазоланди. Ғалаба районидаги 81-автокорхона директори Ш. Ҳакимовга виговор эълон қилиниб бир ойлик маоши ҳажмида пул начёти солинди.

БИНО ЎРНИГА ҚУРУҚ ВАЪДА

«Ташоблсельстрой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари Бўка районидаги «Кремль» совхозида 20 та турар-жой биноси бунёд этиш мажбуриятини олган эдилар. Иккинчи квартал давомида 300 квадрат метр майдонли иккита уй фойдаланишга топширилиши керак эди. Лекин ишлар ниҳоятда суст боряпти. Беш ой давомида белгиланган вазифанинг 43 проценти бажарилди, холос.

«Ташкентводстрой» трестига қарашли 1-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари ишидан ҳам совхоз ишчилари норози бўлишяпти. Улар беш ой ичида 316 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга сўз беришган эди. Лекин сусткашлик туфайли белгиланган ишнинг 61 проценти аранг бажарилди. Айниқса, силос бостириладиган ҳандақлар қурилиши жуда ҳам секин боряпти. 1 июлгача 8 та ҳандақ силос бостиришга тахт бўлиши керак эди. Лекин ҳозир уларнинг учтаси кавланган холос. Фельдшер-акушерлик пункти қурилиши ҳам ниҳоятда суст боряпти. 90 ўринли боғча қурилиши ҳали бошланмаган.

Бажарилган ишларнинг сифатсизлиги ҳам кўпчиликни ранжитяпти. Кўпгина объектларнинг пойдевори лойиҳадан чекинган ҳолда қурилган. Мана энди деворлар ҳам тўғри чиқмаяпти. Уларни тузатиш учун қўшимча маблағлар сарф бўляпти.

Бекобод районидаги Колпакова совхозида олиб борилаётган қурилиш ишлари суръати ҳам талаблар даражасида эмас. Бу ерда «Ташкентводстрой» трестига қарашли 1-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари йил давомида 650 квадрат метр уй-жой қуриб беришлари керак эди. Шу кунгача 154 квадрат метр уй-жой аранг қуриб битказилди. Сув чиқариш иншооти, силос хандақлари, йўллар қурилиши ҳам ўлда-жўлда қолиб келяпти. Совхознинг марказий қўрғони, 90 ўринли болалар боғчаси қурилишига ҳали қўл ҳам урилмаган.

Область халқ контроли комитети мажлисида янги совхозлардаги қурилиш ишларининг аҳволи атрофлича таҳлил қилиниб сусткашликка йўл қўяётган колонна раҳбарлари қаттиқ жазоланди. Улар зиммасига қурилиш суръати ва сифатини ошириш йўлида чоралар кўриш вазифалари юклатилди.

САРСОН БЎЛГАН МАШИНАЛАР

Областимиздаги матлубот жамиятлари юк ташиш учун зарур бўлган машиналарни «Ташоблкооптранс» ишлаб чиқариш бирлашмасидан олишади. Лекин кўпгина матлубот жамиятлари йўқ юкка ҳам олдиндан машина талаб қилиб, улар вақтини беҳуда ўтказмоқдалар. Машинанинг ҳар бир соати пул билан ўлчанади. Улар беиш қолгач жарима талаб этилади. Бир йил ичида қуйи кооператив ташкилотлари юк ортиш ва тушириш пайтида автомашиналарни бекорга ушлаб турганликлари учун «Ташоблкооптранс» бошқармасига 49 минг сўмликдан кўпроқ жарима тўлашди. Фақат Пискент район матлубот жамиятининг ўзи 5269 сўм тўлади.

Кўп ҳолларда қуйи кооператив ташкилотлари йўл варақалари ҳамда товар-транспорт накладнойларини ҳам нотўғри тўлдириб катта жаримага тушишяпти. Фақат Оҳангарон район матлубот жамиятининг ўзи бу соҳада йўл қўйган камчиликлари учун 13 минг сўмликдан кўпроқ жарима тўлади. Автомашиналарни нормадан кўпроқ ушлаб қолиш ва товар-транспорт накладнойларини нотўғри тўлдириш ҳолларини Октябрь районлараро савдо базаси, Бўстонлиқ, Чиноз, Бўка, Паркент матлубот жамиятларида ҳам кўриш мумкин.

«Ташоблкооптранс» бирлашмасида ўтказилган текширув давомида ҳам кўпгина нуқсонлар очиб ташланди. Бу ерда ҳайдовчиларни дам олиш кунлари ҳам ишга жалб этиш авжига минган экан. Биринчи кварталнинг ўзида улар 62 минг 426 соат қўшимча ишлаб беришибди. Бунинг эвазига ҳайдовчиларга 14 минг сўмдан кўпроқ ҳақ тўланди.


Область халқ контроли комитети мажлисида меҳнат тўғрисидаги қонунни бузиб, ҳайдовчиларни қўшимча равишда ишга жалб этганлиги учун «Ташоблкооптранс» бирлашмаси бошлиғи Ю. Хўжаевга виговор эълон қилинди. Жойларда машиналарни узоқ вақт беҳуда ушлаб қолаётган бир қатор район матлубот жамиятлари раҳбарлари ҳам жазоландилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«10 ТОННА БРАК»

Халқ контроли саҳифасининг ўтган ой сонида (28 июнь) юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақолада Бўстонлиқ сут заводида сут маҳсулотларини қайта ишлашда йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилинган эди.

— Мақола завод коммунистлари партия йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди,— деб ёзади Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Ҳайдуров.— Мақолада келтирилган фактлар ва танқид тан олинди. Бракка йўл қўйган айрим мутахассислар жиддий жазоландилар. Завод бошқармаси ва партия ташкилоти сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар. Район партия комитети бу тадбирлар қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб турибди.







ТАШАББУСКОРЛАР ТАЖРИБАСИДАН

ПУДРАТ УСУЛИ ҚЎЛ КЕЛЯПТИ

БРИГАДАМИЗ ишчилари 1982 хўжалик йилидан буён коллектив пудрати асосида меҳнат қилмоқдалар. Нарядсиз система дастлабки кунларданоқ ўз афзалликларини кўрсата бошлади. Бригада аъзоларининг ишга бўлган муносабати, қизиқиши кескин ўзгарди. Чунки бу усулда ҳамма бирдек, юксак унум билан меҳнат қилиши, вазифасини ўз вақтида, сифатли бажариши керак. Шунинг учун данғасалар, ишёқмасларга нисбатан муросасиз бўлдик. Ҳамма топширилган иш учун бўлган масъулиятини тушуниб ета бошлади. Ҳосилдорлик кескин ортди. Шунга яраша даромадимиз ҳам юқори бўлди. Йил охирида бригадамизга 2561 сўм мукофот ажратилди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 224 сўм 65 тийинга тўғри келди.

Деҳқон доимо қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга интилади. Биз бир неча йилдан буён мунтазам ҳар гектар ердан 200 центнердан ошириб беда пичани олиб келамиз. Эндиликда ҳосилдорликни янада ошириш учун курашмоқдамиз.

Йил бошиданоқ бригадамизга қарашли 145 гектар майдондаги эски бедазорга сифатли ишлов бердик. Ўз вақтида озиқлантирилди, суғорилди. Натижада биринчи ўримнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдондан 71 центнердан пичан йиғиб олинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баъзи ҳамкасбларимиз беда ўриб олингач вақтида озиқлантириб суғормайдилар. Ҳатто бедазорлар ўримдан кейин ҳафталаб қаровсиз қолиб кетади. Биз бундай бўлишига асло йўл қўймаймиз. Ўримдан кейин пешма-пеш ишлов берилади. Шунинг учун иккинчи ўримда ҳам ҳосилдорлик 60 центнерни ташкил этди. Йил охиригача ҳар гектар ердан 220 центнердан ошириб пичан йиғиштириб олишни мўлжаллаб турибмиз .

1983 йилнинг баҳори озуқакорлар учун қулай келди. Ўт-ўланлар, бедазорлар ривожи яхши бўлди. Шунинг учун бу йил камида икки йиллик план миқдорида ем-хашак жамғаришга аҳд қилдик. Бунга аввало суғориладиган ерларнинг ҳар қаричидан янада самаралироқ фойдаланиб, унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиладди.

Ҳозирги айни иссиқ кунларда бедазорлар парвариши билан алоҳида шуғулланиш лозим. Айниқса, уларни ўз вақтида суғориш катта аҳамиятга эга. Акс ҳолда чанқаб қолган бедалар ўсишдан тўхтаб, поялари қотиб қолади. Натижада гектаридан олинадиган ҳосил 20—30 центнер камайиб кетади.

Маълумки, қаерда кишиларга яхшироқ шарт-шароит яратилса, ана шу ерда ишда унум, қўним ва сифат бўлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида қилган докладида ҳам меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш, уларга қулай имкониятлар яратиш ҳақида алоҳида тўхталиб, конкрет вазифаларни белгилаб бердилар.

Мен бригадир сифатида доимо коллективимизнинг ҳар бир аъзосининг кайфиятини, оилавий аҳволини кузатиб бораман. Лозим бўлганда ёрдам берамиз. Дала шийпони ҳам меҳнаткашларимизнинг иккинчи уйига айлантирилган. Бу ерда уларнинг унумли меҳнатидан сўнг яхши хордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган.

Бригадамизнинг деярли барча аъзоси шахсий чорвасига эга. Уларни парвариш қилиш учун озуқа керак. Илгарилари улар ўз шахсий молларига ем-хашак жамғариш учун кўплаб қимматли вақтларини кетказишарди. Биз бу йилдан бошлаб хонадонлардаги қорамолларга ҳам озуқани бригада бўйича тайёрлашга киришдик. Масалан, ҳозиргача ҳар бир кишига 20 центнердан пичан тарқатилди. Бу биринчидан, хонадонларда шахсий чорва молларининг кўпайишини таъминласа, иккинчидан, улар ем-хашак жамғариш ташвишидан қутилиб кўпроқ коллектив иши учун жон куйдирадилар.

Озуқакорларимиз бутун ички имконият ва резервларни ишга солиб, жамоат чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаверадилар. Доимо қишлов учун мустаҳкам озуқа базаси яратилишига эришадилар.

К. ЭСЕРГАПОВ,
Оҳангарон районидаги Куйбишев номли совхознинг озуқачилик бригадаси бошлиғи.

— Бу далалар Андрей Ивановичнинг бригадасига қарашли, — деди ҳамроҳимиз совхоз партия комитетининг секретари Фурқат Холиқулов, ям-яшил майсалар қоплаган пайкалларга ишора қилиб. — Бригада азоматлари экиш ишларини анча барвақт сифатли тамомладилар. Мана кўриб турибсиз, уруғ бир текис униб чиққан.

Андрей Ивановични сувчилар даврасида учратдик. У Радион ва Владимир Кимлар билан йўл бўйидаги пайкалнинг сувини камайтиришаётган экан.

— Экиш пайтида сувнинг чуқурлиги 20—25 сантиметр бўлади. Кўчатлар бир текис униб, ўзини тиклаб олгач сувни 10—15 сантиметрга тушириш керак. Бугун охирги гектарлардаги сувни камайтираётган эдик, деб изоҳ берди бригадир.

Андрей Линнинг касби шоликорлик. Совхозда у дастлаб оддий ишчи бўлиб меҳнат қилди. Меҳнатсеварлиги ва ишбилармонлигини сезган совхоз раҳбарлари 1961 йилда звено бошлиғи қилиб тайинлашди.

— Дастлабки пайтларда анча қийналдим. Ҳосилдорлик 26 — 30 центнердан ошмас эди. Мен тажрибали шоликорларнинг маслаҳатлари билан иш тутишга ҳаракат қилдим. Григорий Тен, Анатолий Мин ва Радион Кимлар менга устозлик қилиб ўз маслаҳатларини аямадилар. Улар билан бамаслаҳат қилинган фидокорона меҳнат натижасида ҳосилдорлик йил сайин орта борди.

Йиллар ўтиши билан Андрей ҳам улғайди. 1971 йилда партия сафига қабул қилинди ва кўп ўтмай бригадирликка тайинланди.

Мана ўн уч йилдирки, Андрей Ли бригада бошлиғи. Унинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги туфайли бригада совхозда ёки райондагина эмас, балки областда ҳам юқори натижани қўлга киритмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 140 гектар ернинг ҳар гектаридан 95 центнердан ҳосил олиниб, рекорд кўрсаткичга эришилди.

— Илгарилари ҳосилдорлик пастлигининг асосий сабаб — ернинг экишга яхши тайёрланмаслиги, шолини бегона ўт босиб кетиши, сув камчил бўлиши эди, — дейди А. Ли. —Ҳозир қудратли техникалар ёрдамида ерлар экишга кўнгилдагидек тайёрланяпти. Экишдан олдин ҳар бир картага картограмма асосида минерал ўғит солинади. 20—25 сантиметр баландликда сув бостирилган майдонларнинг гектарига 220—250 килограммдан уруғ сепилади. Кейинги йилларга келиб айниқса гербицидлардан фойдаланиш яхши самара берәётир.

Тадбиркорлик туфайли Андрей Ли ва унинг бригадаси элда донг таратди. Бригада сардори икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган.

1980 йили бўлиб ўтган совхоз партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида Андрей Ли бир овоздан партком аъзолигига сайланди. Коммунистлар ишончини оқлаш осон иш эмас. Энди ўз хизмат вазифангни аъло даражада бажариш камлик қилади. Партком йиғилишларида актив иштирок этиб, масалаларни муҳокама қилишда ўз фикр-мулоҳазаларингни билдириш, кишиларга йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериб боришинг, ҳаммадан олдин юришинг керак. Андрейда шу хислатлар мужассам.

— Мен партком аъзоси сифатида маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссияга бошчилик қиляпман. Комиссия аъзолари билан тез-тез йиғилишлар ўтказиб боряпмиз. Назорат натижалари ҳақида партком йиғилишида ахборотимиз тингланмоқда, — дейди у.

— Андрей ака ташаббускор, меҳнатсевар коммунистлардан. — дея суҳбатимизни давом эттирди партком секретари Ф. Холиқулов, — бригададаги барча ишчилар унга эргашиб меҳнат қилишяпти. Ҳаммалари маълум топшириққа ёға. Транспорт тракторининг ҳайдовчиси Эдуард Ким — бригада партия группаси ташкилотчиси, сувчи Радион Ким эса 2-бўлим цех партия ташкилотига етакчилик қилаётир. Умуман бригаданинг 20 нафар ишчисининг барчаси коммунистчасига, зардбдорчасига ишламоқда.

Бригада шоликорлари йил бошида ажойиб ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар гектаридан 100 центнердан ҳосил олиш учун кураш бошладилар. Бу ватанпарварлик ташаббуси область партия комитети томонидан маъқулланди. 100 центнердан ҳосил олиб, янги рекорд ўрнатиш учун курашда механизатор Владимир Заривний, ишчилардан Анорбой Ҳамроқулов, Татьяна Бичкова, Александр Тё ва бошқалар жонбозлик кўрсатишмоқда.

К. МАВЛОНОВ,
Р. ЭСОНОВ,
Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози.

ПАРТКОМ АЪЗОСИ

ТОШКЕНТ АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИДА

САМАРАСИ 22 МИНГ СЎМ

Заводнинг рационализатор ва ихтирочилари шу йилнинг ўтган ярим йиллигида самарали фаолият кўрсатдилар. Шу давр мобайнида 34 та янги таклиф киритилди. Ишлаб чиқаришга жорий этилган янгиликлар жами 22 минг сўмлик иқтисодий самара берди. Айниқса, 7-участка бошлиғи В. Кохтин, 6-участка слесарлари А. Вравин, П. Триандифилидилар корхонанинг энг илғор рационализаторлари деб топилдилар.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Пойтахтимизнинг 2000 йиллик юбилейи шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа қизғин паллага кирди. Шу муносабат билан заводнинг 30 га яқин ишчиси ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, оширилган мажбуриятлар қабул қилган эдилар. Куни кеча Я. Усмонбеков, Х. Мустафоева, Х. Носиров, Ф. Мухиддинов, Р. Исмоилов, А. Мустафоевалар йиллик планларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

ШУҲРАТИ ОРТМОҚДА

Корхона маҳсулотининг шуҳрати тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда завод маркаси босилган маҳсулотлар ўнлаб хорижий мамлакатларга жўнатилмоқда. Маҳсулотга бўлган талабнинг ортиб бориши сабабларидан бири уларнинг пишиқпухта тайёрланишидир.

Кейинги йилларда бу ерда сифатни комплекс бошқариш бўлими ташкил этилиши айни муддао бўлди. Ҳозирги кунда маҳсулотнинг беш тури Давлат сифат белгиси билан истеъмолчиларга етказиб бериляпти.

А. ҒУЛОМОВ.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ТУҒИЛГАН КУНИНГ БИЛАН

Шушахон опа тушликдан сўнг хотин-қизлар дам оладиган хонага кираётганида шийпон пештоқидаги ёзувга кўзи тушиб қолди. «Бригадамиз фахри, Ҳаҳрамон она Шушахон опа Алиева, туғилган кунингиз билан табриклаймиз!» дейилган эди унда. Таъсирланиб қайта-қайта ўқиб чиқди.


Хаёлини бригада бошлиғи П. Тошхўжаев бўлди.

— Сизни ҳар қанча табриклашса, бошларига кўтаришса арзийди. 12 нафар фарзандингиз онаси, бригадамизнинг фахрли пахтакориси. Фарзандлар тарбиясида ҳам, меҳнатда ҳам бошқаларга намуна кўрсатиб келяпсиз.

...Ўша куни Шушахон Алиеванинг туғилган кунини бутун бригада ва оила аъзолари иштирокида тантана билан нишонлашди. Опахоннинг мазмунли ҳаёт йўли, ибратли меҳнати тўғрисида самимий фикрлар билдирилди. Қаҳрамон онанинг олти нафар фарзанди катта ҳаётга йўлланма олиб, ўзлари истиқомат қилаётган «Ленинобод» колхозида ишлаяптилар. Қолганлари ўрта мактабда таълим олишяпти.

Бу оилага ҳамма ҳавас қилади,— дейди колхоз раисининг ўринбосари И. Хатамов.— Опанинг умр йўлдоши Мардон Алиев ҳам уста пахтакорлардан. Хонадон аъзолари ҳалол меҳнат қилиб ҳар ойда 900—1000 сўм даромад қилишади. Турмушлари фаровон, дастурхонлари тўкин.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон райони.



ПИСКЕНТ районидаги «Пискент» совхозининг тажрибали механизатори Муҳаммадқул Оллоёров бошчилик қилаётган звеноси саршунослари ўн биринчи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи йилида 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан юқори сифатли «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Айни кунларда М. Оллоёров ўз агрегати билан ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беряпти. У етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машинаси ёрдамида териб олмоқчи. Суратда: М. Оллоёров. А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

ИНФАРКТ НИМА?

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН?

Ҳозирги пайтда кенг тарқалган қон томирлари касалликлари (стенокардия) ва миокард инфаркти кўпчилик мамлакатларда юз бераётган ўлим ҳамда ногиронликларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бутун жаҳонда бу дарднинг олдини олиш ва даволаш билан боғлиқ муаммоларга катта аҳамият берилаётир.

СССРда ана шу хасталикни даволаш билан боғлиқ бўлган проблемалар устида юзлаб илмий-тадқиқот муассасалари ишлаб турибди. Кейинги йиллар ичида қад кўтарган санаторий типидаги махсус шифохоналар, дам олиш уйлари, пансионатлар партия ва ҳукуматимизнинг бу оғир дардга учраган беморларга кўрсатаётган катта ғамхўрлигининг далилидир.

Қон томирлари касалликларига қарши курашда давлат миқёсидаги нимаики тадбирлар зарур бўлса, шуларнинг ҳаммаси кўрилмоқда. Лекин булардан ташқари ҳар бир киши миокард инфаркти ҳақида озми-кўп ва ўзи ана шу дардга йўлиқмаслик чораларини кўриши керак. Шу муносабат билан биз ана шу касаллик тўғрисида кенгроқ тушунча ва маслаҳат бериб ўтмоқчимиз.

Миокард инфаркти касалликларининг асосида кенг тарқалган хасталиклардан бири атеросклероз ётади. У ёш ўтиши билан кучайиб борувчи дард бўлиб, артерия томирларида ўзига хос ўзгаришлар содир қилади. Бир неча йиллар давомида тўпланган ёғдан эса тўқималар ҳосил бўлади ва оқсил моддалари ҳамда кальций тузларини ўзига шимиб боради. Оқибатда қаттиқ бирлашма вужудга келади. Атеросклероз билан жароҳатланган артерия ўзининг мослашувчанлик ва эластик ҳолатини йўқотади. Натижада ундан қон жуда қийинчилик билан анча кам миқдорда ўта бошлайди. Бундай артерияларда спазмага (қон томирларининг қисилишига) мойиллик туғилади.

Шундай қилиб, атеросклероз касаллигининг ривожланиши ёғ алмашиш тартибининг бузилиши туфайли рўй беради. Бунга йўл қўймасликда кишининг асаб системаси муҳим роль ўйнайди. Тез-тез бўлиб турадиган ва узоқ давом этадиган психик ўзгаришлар ҳамда асаб бузилишлари стенокардия ва миокард инфаркти касалликларини келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Шунингдек, қонда холестерин моддасининг кўпайиб кетиши, қон босимининг кўтарилиши, ичкиликка ружу қўйиш, кам ҳаракат, ортиқча овқат истеъмол қилиш ҳоллари ҳам қон томир касалликларига олиб келади. Ирсият, ички секреция, қалқонсимон ва қорин ости безларининг касалликка чалиниши туфайли ҳам атеросклероз кучайиши мумкин.

Бундай хасталикда юрак мускулларига кислород етишмай қолади. Юракнинг чап томонида қаттиқ оғриқ сезилади. Жисмоний ҳаракат пайтида, яъни тез юрганда, зиналардан кўтарилганда, оғир юк кўтаришда оғриқ кучайиб боради. Юракнинг кислородга бўлган эҳтиёжи ортиб, стенокардия ҳуружи бошланади. Одатда ана шундай ҳуруж вақтида бемор албатта ҳаракатни тўхтатиши, ётиб дам олиши шарт. Шундагина юрак мускуллари бироз фурсат ўтгач нормал озиқланишини тиклаб олиб, ўзининг актив фаолиятини бошлайверади.

Айрим ҳолларда қон томирларининг йўлини қуюқ қон (тромба) бекитиб қўяди. Натижада артерия томирларидан қон ўтиши тўхтаб қолади ва миокард инфаркти юз бериши мумкин. Бундай пайтда оғриқ кескин ўзгариб туради. Аввало кўкрак қафасининг чап томонида, орқа ва олдида қаттиқ оғриқ бошланади ҳамда у бир неча соат давом этиши мумкин. Бемор кескин беҳол бўлиб қолади, нафас олиши қийинлашади, ўлим таҳликасига тушади. Лекин баъзи ҳолларда оғриқ жуда кам бўлиши ёки бутунлай бўлмаслиги мумкин. Бундай кўринишда кўнгил айниши, гоҳо оғир бўғилиш ҳуружи, бўлиниб турувчи хириллаш содир бўлади ва юрак фаолияти бузилади. Миокард инфаркти бошланишининг бу кўринишларида бемор ўз ҳолатига тўғри баҳо беролмайди, касалликнинг жиддийлигига тушуниб етмайди. Ана шу бепарволик кўнгилсиз ҳодисага сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай пайтда бемор албатта, зудлик билан врачга мурожаат қилиши керак.

Қон томири касалликларига ўз вақтида кўрсатилган муолажа тўсатдан юз берадиган ўлимнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир. Муҳими оғриқ пайдо бўлганда дарҳол ҳаракатни тўхтатиш, тил тагига нитроглицерин қўйиш лозим. Ҳозирги пайтда миокард инфарктини даволашда жиддий муваффақиятларга эришилди. Беморлар ҳаётининг сақлаб қолиниши, инвалидликнинг камайиши ва уларнинг меҳнат қучоғига қайтиши фикримизнинг далилидир.

Атеросклероз ва қон томири хасталикларининг олдини олиш мумкинми? Мумкин. Лекин бу жараён жуда узоқ давом этади. Унинг профилактикаси эрта бошланиши ва кишининг бутун умри давомида олиб борилиши керак. Бунда асосан асаб системасининг бузилишига йўл қўймаслик ва жисмоний меҳнат билан шуғулланиш муҳим роль ўйнайди. Бу, айниқса, ақлий меҳнат кишилари учун тааллуқли гапдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мустаҳкам ирода, ўзни тута билиш, қувноқ кайфият, тетиклик юрак касалликларини чекинтиради. Асаб системасини мустаҳкамлашда уйқу ҳам катта роль ўйнайди. Уйқудан олдинги сайр, кейин туш қабул қилиш, ёқимли куй тинглаш асабларга роҳат бағишлайди. Шунинг учун қувноқлик ишда ҳам, уй юмушларида ҳам кишиларга бундай оғир касалликларни енгишда ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида аҳолини тўла диспансеризация қилиш, касалликка учраган беморларни ҳамиша аниқ ҳисобда тутиб, уларга зарур бўлган муолажаларни кўрсатишнинг нақадар муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳар биримиз ҳам ана шу янги талаблар асосида аҳолига медицина ҳизматини янада кучайтиришга сафарбармиз.

С. ИСКАНДАРОВА,
Узбекистон кардиология илмий-тадқиқот институтининг лабораторня мудири, медицина фанлари кандидати.

ШИФОКОР МИНБАРИ

ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧ

БУНДАН бир неча йил муқаддам Янгийўл районидаги Муқимий номли 17-ўрта мактабда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси тузилган эди. «Коммунизм» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Исматовнинг ташаббуси билан уларга 42 гектар ер ажратиб берилди. Коллективга мактаб ўқитувчиси Ҳайдар Аскаров бошлиқ қилиб тайинланди.

Ўқувчилар дастлабки йили ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олган бўлсалар, 1982 хўжалик йилида ҳосилдорлик 43,8 центнерни ташкил этди. Бу колхоз бўйича энг юқори кўрсаткич эди.

Ёш пахтакорларнинг ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилидаги марралари янада улкан. Улар ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилишган.

— Биз эрта баҳорданоқ ҳар бир тадбирни юксак сифатли бажаришга асосий эътиборни қаратяпмиз, — дейди бригада етакчиси Ҳайдар Аскаров.— Айни кунларда ҳар гектар ерда тўлиқ кўчатлар ҳосил қилинди. Ғўза қатор ораларига 3 марта комплекс ишлов бердик. Икки марта озиқлантирдик. Суғориш ишлари асосан кечаси амалга оширилляпти.

В. БОБОХОНОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАСАЛАНИ ЧИНАКАМ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН

НЬЮ-ЙОРК, 19 июль. (ТАСС). Фаластин масаласини ҳал этиш Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишнинг энг муҳим қисмидир. Ватанидан маҳрум этилган халқнинг даҳлсиз ҳуқуқларини тан олмай туриб, регионда чинакам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиб бўлмайди. Фаластин масаласи юзасидан 29 августдан 7 сентябргача Женевада ўтказиладиган халқаро конференциянинг тайёргарлик комитети томонидан БМТда эълон қилинган ҳужжатларда шундай хулоса чиқарилган. Комитет БМТ бош ассамблеяси XXXVII сессиясининг шу масала юзасидан чиқарилган резолюцияларини ҳисобга олиб, Фаластин проблемасини адолатли ҳал этиш истиқболларини муҳокама қилган регионал кенгашларнинг тавсияларини умумлаштирди.

Регионал конференцияларнинг қатнашчилари, деб таъкидлаб ўтилади тайёргарлик комитетининг ҳужжатларида, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг принципиал позициясига юксак баҳо бердилар. Маълумки, бу мамлакатлар Яқин Шарқ масаласи юзасидан тегишли халқаро конференцияни чақириш вақтида барча манфаатдор томонларнинг коллектив иш олиб бориши йўли билан Яқин Шарқ можаросини бартараф қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

ФИТНА ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

ПНОМПЕНЬ, 19 июль. (ТАСС). Таиланд Кампучияга қарши қуролли фитнани давом эттирмоқда. Кампучия СПК ахборот агентлигининг хабар қилишича, 8 июлдан 15 июлгача бўлган давр мобайнида Таиланд ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари КХР территорияси устидан разведка мақсадида икки марта учиб ўтган Таиландниг қуролланган кемалари республиканинг Кохконг вилояти соҳилида кўп маротаба территориал сувларига кирган. Мамлакатнинг кўпгина районлари Таиланд тўпларидан ялпи ўққа тутилган.

Таиланд маъмурларининг ёрдами билан полпотчи тўдалар КХР территориясига ёриб киришга уринганлар, деб таъкидлайди СПК агентлиги, бироқ улар Кампучия чегаралари томонидан тормор қилиниб, 35 каллакесар асир олинган.

ЖАР ВАТАНПАРВАРЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

БЕРЛИН, 19 июль. (ТАСС). ГДР округ маркази Нейбранденбург меҳнаткашлари жанубий Африка республикасидаги мазлум африкалик аҳоли олиб бораётган кураш билан бирдам эканлигини намойиш қилдилар. Улар Нельсон Мандела туғилган куннинг 65 йиллигига бағишлаб бу шаҳарда ўтказилган митингда жанубий Африка миллий конгрессининг раҳбари, қамоққа олинган бошқа жанубий африкалик ватанпарварларнинг ҳаммаси озод қилинсин, деб талаб этдилар.

ГДР эркин немис ёшлари иттифоқи марказий кенгашининг секретари Йохен Виллердинг митингда сўзлаган нутқида Нельсон Манделанинг номи африка миллий конгресси раҳбарлигида ирқчиларнинг апартеид режимига қарши курашаётган ЖАР ватанпарварлари кўрсатаётган қаршиликнинг рамзидир, деб таъкидлади. У ГДР ёшлари номидан гапириб, бу кураш ғалаба билан тугалланади, чунки келажакда халқлар ва ирқларнинг эркинлиги, мустақиллиги ва тенглиги идеаллари, тинчлик иши тантана қилади, деб ишонч билдирди.

Жанубий Африка миллий конгрессининг ГДРга келган ва митингда ҳозир бўлган вакилларига Нельсон Манделанинг озод қилинишини талаб этган ГДР гражданларининг неча минглаб имзолари чекилган плакатлар топширилди.

МХРП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

УЛАН—БАТОР, 19 июль (ТАСС). Бугун бу ерда Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленум МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Рагчиннинг «Чорвачиликнинг ҳозирги аҳволи, чорва туёғини кўпайтириш резервларини сафарбар этиш тўғрисида»ги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленумда МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР буюк халқ хурали Президиумининг раиси Ю. Цеденбал нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



НИКАРАГУА. Совет Иттифоқи ўзининг интернационал бурчига содиқ қолиб, ички ва ташқи реакцияга қарши кураш олиб бораётган Никарагуанинг экономикасини оёққа турғазишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Суратда: Каринто портига қишлоқ хўжалик техникаларини олиб келган «Надежда Крупская» совет теплоходидан техникаларни тушириш пайти.

Г. НАДЕЖДИН фотоси.
ТАСС.

ЧИННИДАГИ НАФОСАТ

Ҳар бир санъаткор ижоди ўзига хос бетакрор оҳангга, мусиқавий услубга эга. Рақматилла Орифжонов ҳам ана шундай нафосатга бой ижодий услуби билан халқ меҳрини қозонаётган санъаткорлардан.

Бугунги кунда унинг асарлари республикамиздагина эмас, балки қатор чет эл мамлакатларида ҳам довруғ қозонган. Брюссель, Рим, Нью-Йорк, Лейпциг, Познань, Бухарест, Осло, Коломбо, Жакарта, Рио-де-Жанейро ва Дамашқда томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

У Тошкент чинни заводида рассом бўлиб ишлай бошлаган кезларидаёқ халқ амалий санъатини чинни буюмларда акс эттириш борасида самарали меҳнат қилди. Дастлаб «Пахта» ва «Атлас» нусхалари чиннига кўчди. Сўнгра деворга ишланган паннолар, шаклли пластикада ҳамда идишларда ўзига хос усулларда яратилган миллий руҳдаги асарлар дунёга келди. Чинни, сопол ва фаянсларда ўзбек нақкошлик элементлари моҳир рассом маҳорати ила яққол ифодасини топди.

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи кўргазмалар залида мусаввир Рақматилла Орифжоновнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан очилган шахсий кўргазма асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, юксак санъаткорлик маҳорати билан ишланган ноёб нақшлар, олтинранг гулдонлар, баҳорнинг илк кунларини эслатувчи ранглар билан йўғрилган, содда конструкцияли гул туваклар, қадимий Хоразм меъморчилиги усулида ишланган минора-эсдалик совғалари кишини ўзига ром этади.

Портрет яратиш анча мураккаб жараён. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланаётган Абу Али ибн Синонинг туркум портретлари, Ал-Хоразмий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Райҳон Беруний сингари Шарқнинг буюк алломалари тасвирлари Р. Орифжоновнинг бу жанрда ҳам муваффақиятли ижод қилаётганлигидан далолат беради.

Рассом ижодида улуғ мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийга бағишланган асарлар анчагина. Буюк инсоннинг адабий меросига ҳамоҳанг тасвирий санъат асарлари яратишда рассом манзарали тасвирнинг композицион усулидан яхши фойдаланган. Шунингдек, «Боғда шоирлар суҳбати», «Китоб ушлаган қиз», «Шахмат ўйини» каби асарлар, Нодира, Увайсий, Форобий портретлари, Абу Али ибн Сино таваллудининг минг йиллигига бағишланган, фаянсдан ишланган кўзаларда ижод аҳлининг камолотидаги муҳим воқеалар яққол намоён бўлган. Бу ишларни рассом Ленинграддаги чинни заводида тайёрлаган.

Ана шу тажрибалар заминидан Р. Орифжонов сўнгги йилларда СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ рассоми, профессор Чингиз Аҳмаров сиймосини яратди. Мўйқалам соҳиби устоз рассомнинг ички дунёси, фикр ва туйғуларини ёрқин акс эттиришда барча тасвирий воситалардан самарали фойдаланди.


Портрет фонида ишланган «Қумғон билан сувга келган келинчак», «Варрак учираётган болалар», «Томошабин қизча укаси билан», «Баҳор, илк севги» композициялари Ч. Аҳмаровнинг ижодига хос шарқона услубда лирик туйғулар асосида очиб берилган.

СССР Рассомлар союзи аъзоси, П. П. Беньков номидаги республика рассомчилик билим юрти ўқитувчиси Р. Орифжоновнинг шахсий кўргазмаси ижодкорнинг чинакам халқчилликка интилишидан, янги-янги изланишлар йўлида дадил қадам ташлаётганидан гувоҳлик беради.

Ҳ. СОДИҚОВ,
А. ҚОМИЛОВ.

* * *

Суратда: рассом Р. Орифжонов ўз ижодхонасида; санъаткор асарларидан намуна.





«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. Ҳасанов жавоб беради:

САВОЛ: уйимизни капитал ремонт қилиш вақтида биз бошқа жойда турдик. Айтингчи, квартира ҳақини тўлашда ўзгариш бўладими?

А. ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар, Фрунзе райони.

ЖАВОБ: амалдаги гражданлик қонунларига кўра уй-жойни ижарага олувчилар турар жойнинг капитал ремонт қилиниши муносабати билан бошқа жойда вақтинча туриш зарурати туфайли ремонт вақти учун (уй-жой шартномаси бекор қилинмасдан) ижара ҳақи яшаган даврга яраша омонат берилган хона учунгина олинади.

Агар турар жойни ижарага олувчи ремонт вақтида худди шу уйда яшаган бўлса, у ҳолда умумий асосда ижара ҳақи тўлайди.

* * *

САВОЛ: мен 1941 йил Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойларида ўнг оёғимдан қаттиқ яраланиб, ишга яроқсиз бўлиб қолдим. Ҳозир II группа инвалидиман. Мен машина олишнинг йўлйўриғини сўрасам, район соцнал таъминот бўлимида «нақд пул тўлаб оласиз», дейишди, шу тўғрими?

Ш. ТУРСУНОВ,
Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз.

ЖАВОБ: амалдаги қоидага кўра махсус врачлик техник экспертиза комиссияси оёқларингизнинг тиззадан паст қисми урушда қатнашишда яradор бўлиш оқибатида яроксиз деб топса Сиз бепул енгил автомашина билан таъминланишингиз мумкин.

* * *

САВОЛ: Мен монтажчилар бригадасининг бошлиғиман. Баландликда ишлайдиган монтажчилар учун қўшимча отпуска берилиши мумкинми?

А. СОИПОВ,
Тошкентдаги 97-кўчма механизациялашган колонна.

ЖАВОБ: Баландликда ишловчи пўлат ва темир бетон конструкциялари билан шуғулланувчилар 6 иш куни ҳисобига қўшимча отпуска олишга ҳақлидир. Монтажчилар бригадасининг бригадири ҳам улар каби 6 иш кунига қўшимча отпуска олиш ҳуқуқига эга.

Реклама ва эълонлар

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ
86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983-84 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Токарь (программали бошқариладиган станокда ишловчи), **учиш аппаратларини йиғувчи слесарь, слесарь-механик, саноат жиҳозлари ремонти бўйича слесарь, дипломли газ-электр пайвандчи, электр кўтарма кранлари машинисти, ОТК контролёри, автослесарь.**

15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.
ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.

Металл бўйича универсал токарь. Ёши 16 ва ундан катта ёшдагилар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Ремонтчи-слесарь (саноат жиҳозлари бўйича). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Слесарь-механик (механика-йиғув ишлари). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Электр кўтарма кранлари машинисти. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Электр пайвандчи. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил. Бу касбдагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

ОТК контролёри. Бу касбга қизлар имтиёзли равишда қабул қилинади. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида иккита техника ижодкорлиги тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, фото тўгарак, 8 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва ҳоказолар мавжуд. 10 та спорт секцияси ишлаб турибди. Ёзги каникул даврида ўқувчилар «Чимён» лагерига борадилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига 4, 5-троллейбуслар («Экскаватор заводи» бекати); **3, 22, 23, 29-трамвайлар** («Старт стадиони» бекати) **билан бориш мумкин.** Телефон 35-61-30.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
Ф. Хўжаев номидаги 1-пойабзал фабрикаси қошида очилган

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойабзал қисмларини бичувчилар, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАММА ҲУНАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА УЛАР 70 СЎМ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам равишда ишлайди. Булардан ташқари билим юрти қошида бепул болалар ва аёллар кўйлакларини бичиш-тикиш курси очилган, битирувчиларга гувоҳнома берилади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ИШЧИ ЕШЛАР МАКТАБИ БОР.
ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло битирган ўқувчиларга техникум ва институтга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан, саломатлиги ҳақида справкалар, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг, «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: **53-99-91, 53-99-04.**

ПИОНЕР ЕЗИ

БОҒДА, МЕҲНАТ ҚУЧОҒИДА

Собир Раҳимов райони халқ маорифи бўлими томонидан пойтахт атрофларида 20 дан ортиқ «Меҳнат-роҳат» лагерлари ташкил этилди. Уларда ёз мавсумида 9300 дан ортиқ пионер ва ўқувчилар кўнгилли ҳордиқ чиқариб, соғлом кайфият билан мактаб қучоғига қайтадилар.

Айни кеча-кундузда мактаб ўқувчилари ёзги таътилни сўлим лагерлар қўйнида мароқли ўтказиш билан бир қаторда дала меҳнаткашларига мева ва сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар мадади билан сабзавоткор хўжаликларда 250 тонна ёз неъматларини йиғиштириб олинади.

С. СУЛТОНОВ.

Чимён дам олиш зонаси қўйнига жойлашган Ю. А. Гагарин номли пионер лагерида бу йилги мавсумга алоҳида тайёргарлик кўрилганди. Айниқса, «Қаҳрамон пионерлар», «Қардошлик онласида», «Тошкентнинг 2000 йиллиги» каби янгидан ишланган рангли стендлар лагерь чиройини очиб юборди. Ушбу оромгоҳда мавсум давомида жами 1300 нафар

ҚАНДАЙ СОЗ, ЧИМЁН!

ўғил-қиз дам олади.

— Ҳозирги кунда 450 нафар бола кўнгилли хордиқ чиқармоқда, — дейди лагерь бош пионервожатиси Ирина Васильевна Бастакова. — Оммавий тадбирлар план асосида ташкил этилган. Ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари, «Қувноқ стартлар», «Нептун куни», «Светофор», «Асфальтга расм чизиш» каби кўрик-конкурслар ўтказилмоқда. Шунингдек, яқин кунларда китобхонлар конкурси ҳамда Тошкентнинг 2 минг йиллигига бағишлаб энг яхши альбом ва энг яхши деворий газета викторинасини ўтказишни планлаштирганмиз.

Бу лагерда Галина Левина, Галина Каркалина, Галина Павлова, Анатолий Коряка каби малакали тарбиячи ва вожатийлар болаларнинг ҳар бир куни қувноқ ўтиши учун барча имкониятларни ишга соляптилар.

Д. ЙЎЛДОШЕВА,
Бўстонлиқ райони.

«РАДУГА» НАШРИЁТИ ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИДА

Чет эллик китобхонларга

Совет ёзувчиларининг машҳур асарлари билан хорижий халқ китобхонларини яқиндан таништириш учун «Радуга» нашриёти кўплаб китоблар чоп этмоқда. Бу эса совет кишиларининг турмуш тарзи, социалистик тузум афзалликлари, эркин меҳнат кишиси ҳақида яхши тасаввур ҳосил қилиш, халқлар ўртасидаги маданий ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўтган йил нашриётда 30 дан ортиқ китоб босмадан чиқди. Улар орасида совет ёзувчиларидан М. Шолохов, Ҳ. Ниёзий, Ғ. Ғулом, Ойбек, Ш. Рашидов, В. Шукшин, Ч. Айтматов, Зулфия, А. Мухтор, Р. Файзий ва бошқа адибларнинг асарлари бор.

Шу кунларда нашриётда пролетариат доҳийси В. И. Ленининг ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳикоялар тўпламини чоп этишга тайёргарлик кўрилмоқда. У форс, дарий, пушту, урду тилларида нашр этилади. Ушбу китоб бу йил Москвада очиладиган халқаро кўргазмада ҳам намойиш қилинади.

Нашриётда урду тилига Манзар Салим, ҳиндчага Судхур Кумар, араб тилига Бурҳан ал-Ҳабибларнинг таржима қилган асарлари, айниқса, китобхонлар томонидан меҳр-муҳаббат билан қарши олинмоқда. Чунки улар нашрга тайёрлаган аксарият асарларда ёзувчининг ўзига хос маҳорати, услуби, тили яхши сақланиб, қолади.

«Радуга» нашриётининг Ўзбекистон бўлимида чоп этилган китобларга хорижий Шарқ мамлакатларида қизиқиш ортиб бормоқда.

А. ҒУЛОМОВ.

ТЕАТР

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган театр санъатини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорида болалар учун мароқли спектакллар яратилишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, унда халқ фольклор меросидан унумли фойдаланиш зарурлиги уқтирилган. Бу қарор барча коллективлар қаторн республика қўғирчоқ театри учун ҳам дастурилламал бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, яқинда премьераси кўрсатилган «СИРЛИ НАЙ» спектакли фикримиз далилидир. У ўзининг ғоявий ва бадиий камоли билан диққатга сазовор.

«СИРЛИ НАЙ»

Пьеса муаллифи драматург Муҳсин Халил. Асарга «Шохли Искандар» ҳақидаги халқ афсонаси асос қилиб олинган. Афсонада Искандарнинг шохи нима учун пайдо бўлганлиги гапирилмайди. Аммо шоҳнинг сочини олган сартарошлар битта ҳам қолдирилмай қатл этилгани ҳақида сўз боради. Самарқандлик кекса бир сартарош унинг сочини олгач, бу сирдан воқиф бўлади. Бошқа сартарошнинг йўқлиги туфайли Искандар ундан сир тутиш ваъдасини олиб қўйиб юборади. Аммо бу сир чолга сира тинчлик бермайди, у хасталанади, қорни мешдек шишиб кетади. Чол кимсасиз чўлга чиқиб бир қудуққа сирни очади. Қудуқдан қамиш ўсиб чиқади. Ундан чўпон най ясайди. Найдан эса «Искандарнинг шохи бор» садоси таралиб, сир фош бўлади...

Пьесага бу сюжет фақат асос қилиб олиниб, янги қаҳрамонлар киритилган. Она жайрон — Паризод, Ёсуман, Турди масхара, Тўрткўлоқ ва ҳоказолар. Воқеа Искандарнинг чўлга овга чиқишидан бошланади. Яхшиликни топтовчи, ўта жоҳил Искандар ўзини энг қудратли, ҳақиқатдан ҳам устун санайди. Бу хислат она жайрон қиёфасидаги адолат, яхшилик ва ҳақиқат тимсоли — Паризод билан тўқнашганда ойдинлашади. У шоҳни худбинлиги, манманлиги, ҳақиқатни тан олмайдиган қонҳўрлиги учун жазолайди. Искандар бошидан шох ўсиб чиқиб, ундан халос бўлишга уриниб кўради. Сартарошларга қирон келтиради, аммо ҳақиқатни яшира олмайди. Подшолиги вайрон бўлади, ҳақиқат тантана қилади. Тахтдан жудо бўлган Искандар ҳаётга бошқа кўз билан қарай бошлайди, ҳақиқат қудратига ишонч ҳосил қилади. Фақат шундан кейингина Искандар шохидан халос бўлади.

Кўриниб турибдики, қадимий афсона янгича қурилган ва томошабин учун ибратли мазмун касб этган. Асарнинг муҳим хислати шундаки, ундаги дидактик ғоя сўзамоллик ва панд-насиҳатда эмас, балки ҳатти-ҳаракатларда берилади. Шунингдек, асарнинг тили бой, ранг-баранг. Жумлалар лўнда, ихчам ва таъсирчан. Унда қадимий, аммо томошабин учун тушунарли сўзлар ва удумлардан унумли фойдаланилгани асарга ўзига хос шарқона колорит бахш этган.

Пьесанинг саҳнавий талқини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Маҳрамов томонидан яратилган. Бу унинг режиссёрлик фаолиятидаги дастлабки ишидир. Зеро, у бу йил Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтини тугатмоқда. Режиссёр ўз постановкасида асосий эътиборни ташқи форма, аффект ва жимжимадорликка эмас, ғоявий асосни очишга қаратиб жуда тўғри қилган. Шунинг учун ҳам саҳна содда ва тушунарли жиҳозланган. Аммо бу соддаликда ўзига хос жозиба мавжуд. У темпоритмга, томошабинларнинг ижобий таъсир этган. Режиссёр ва рассом (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Акудин) ҳамкорлиги бу билан тугаган эмас. Кўғирчоқларнинг қиёфасига муҳрланган ўзига хос образларда ҳам шу ҳамкорлик кўринади. Масалан, Искандар шоҳни олайлик. Унинг чақчайган кўзи, қовоқсифат чўзиқроқ тақир калласи, алифдек гавдасида жаҳолату мағрурлик, ахмоқлигу золимлик мужассам. Бу хислатлар ҳатти-ҳаракат, актёрнинг (Т. Раҳмонбердиев) жаҳолат тўла ўзига хос бўғиқроқ овози билан умумлашиб янада ёрқинлик ва лўндалик, фикрий аниқлик касб этган. Ҳудди шу нарса бошқа персонажларда ҳам мавжуд.

Тўртқулоқ — шоҳнинг халқ орасидаги айғоқчиси. Унинг табиатига лаганбардорлик, сотқинлик хос. Режиссёр билан рассом ҳамкорлигида ҳам ҳудди шу нарса кўзда тутилган. Образда бўрттирилган хислатлар мавжуд: айғоқчиликка ишора бўлган қулоқларнинг тўртталиги, рангининг заҳиллиги, қаддининг хамлиги, юрганда қўлларини ҳар ёнга ташлаб, лапанглаб майда қадам ташлаши, актёрнинг (Д. Солиев) димоғдан чиқадиган минғиллаган овози бирга қўшилиб образга ўткир сатирик хусусият бахш этган. Ёсуман образини ҳам режиссёр ва актёр (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Ғуломова)нинг муваффақияти дейиш мумкин. Зеро, у асар марказида турувчи, ундаги воқеалар ривожини ҳаракатга келтирувчи образдир. Шунинг учун бу ижрочига катта масъулият юклатилган. Актриса ўз вазифасининг уддасидан чиққан. Режиссёр ва актёр Ёсуман характеридаги доғулилик, маккорлик, бераҳмлик ва шу билан бирга чаққонлик ва усталик хислатларини мужассам этганлар. Бу нарса унинг юриш-туриши, овози орқали янада бўрттирилган. Ўзининг разил ниятлари билан шоҳдан қолишмайдиган даҳшатли Ёсуманнинг Искандарни кўчирик билан даволаш саҳнаси жозибали. Саҳна гротескли ҳал этилган.

Спектакль музикаси (композитор М. Маҳмудов) алоҳида диққатга сазовордир. У спектакль бадиий тўлақонлигига ҳисса бўлиб қўшилган. Нур, музика, шовқин ва актёр маҳоратининг уйғунлашуви туфайли мўъжизавий саҳналар ҳам яхши таассурот қолдиради.

Аммо спектакль хусусида баъзи истакларни ҳам айтиб ўтиш фойдали деб ўйлаймиз. Биринчидан, Турди масхара образининг қувноқ ва эътибор бериш зарур. Иккинчидан Ёсуманнинг ташқи қиёфасини шарқ эртакларига яқинлигини кучайтириш керак.

Умуман, «Сирли най» спектакли кичик томошабинларимизга ажойиб совға бўлиш билан бир қаторда Ўзбек давлат қўғирчоқ театри фаолиятидаги муҳим воқеадир.

Ҳамиджон ИКРОМОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси.

СПОРТ

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

Эртадан кейин, шанба куни Москвадаги Марказий спорт аренаси—В. И. Ленин номли стадионда ССР халқлари VIII Спартакиадасининг байроғи кўтарилади. Шу кунларда эса Спартакиада программаси асосида бир қатор спорт турлари бўйича мусобақалар давом этмоқда.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА. Тошкентлик 13 ёшли Марина Николаева билан унинг дугонаси Венера Зарипованинг биринчи куни чиқишларни мухлисларни ҳайратга солди. Айниқса, Марина Николаеванинг жозибали комбинацион ҳаракатлари фақат мухлисларигина эмас, балки мутахассислар эътиборини ҳам тортди. Тўп билан машқ бажаришда Венера Зарипова 9,7 баллга сазовор бўлди. Умуман биринчи куни мусобақаларда Ўзбекистон гимнастикачилари яхши таассурот қолдирдилар.

ШАХМАТ. Мусобақалар уч группада давом эттирилмоқда. Ўзбекистон вакиллари Ленинград командаси билан бўлган ўйинда 2:3 ҳисобига ютқазиб туришибди. Уч ўйин кечиктирилган.

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. Саралаш учрашувлари давом этмоқда. «А» группасидаги ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди. Арманистон — Тожикистон — 4:0, Қирғизистон — Ўзбекистон — 2:10.

ДЗЮДО. 95 килограммдан юқори вазнилларнинг баҳсида республикамиз вакили А. Храмцовский фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Спорт ахбороти. 9.55 — Концерт. 10.10 — «Қадрдон уй ҳароратим». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.15 — Концерт. 11.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Телеочерк. 16.25 — Концерт. 16.55 — «Рус тили». 17.25 — Телеочерк. 17.40 — «Дўстлик гуллари». 18.15 — «Шахмат мактаби». 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.45 — «Архангельское» музей-чорбоғи. 20.30 — «Қадрдон уй ҳароратим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Пахтакор». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари». 23.45 — Спорт ахбороти.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.45 — «Сиз яратган боғ»: 10.15 — «Горничилар, қаердасиз!». 11.00 — Мультфильм. 11.20 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.20 — Испан тили. 12.50 — Спорт ахбороти. 13.10 — Концерт. 13.30 — «Шаҳзода Флоризелнинг саргузашти». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.05 — Фильм-концерт. 15.45 — «Драматургия ва театр». 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — «Камалак». 19.45 — «Дўстларимиз чеҳраси». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 — Спорт ахбороти. 21.30 — «Время». 22.00 — «Дўстлар — ўртоқлар ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.15 — Концерт.

ЎзТВ-I. 12.35 —Болалар учун концерт. 13.05 — «Баҳс». 14.05 — Ҳужжатли фильмлар. 14.40 — «Каноник Доласнинг саргузашти». Бадиий фильм. 1-серия. 18.30 — «Ҳаёт каби тирик». 19.10 — «Ҳамкорлик шартномаси амалда». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Шифокор суҳбати. 20.00 — «Амалдаги интернационализм». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 22.20 — «Қизил олма». Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.45 — МТ-II. 18.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.30 — Физика. 19.30 — Реклама. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Тошкент эртанги кунга қадам қўймоқда». 20.50— «Ҳамма танийдиган номаълум киши». Телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — МТ-II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02021 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри ИНДЕКС: 64684. Б—1645. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12